



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

“ЁШ ТИЛШУНОС ВА
АДАБИЁТШУНОСЛАРНИНГ
АНЬАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ”



МАТЕРИАЛЛАРИ

СЎЗ БОШИ

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилиги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети томонидан ташкил этилган “**ЁШ ТИЛШУНОС ВА АДАБИЁТШУНОСЛАРНИНГ АНЪНАВИЙ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ**” юзасидан ўтказилган конференция материалларидан ташкил топган.

Тўплам материалларидан филолог мутахассислар, тил ва адабиёт ўқитувчилари, магистратура ва бакалавриат талабалари фойдаланишилари мумкин.

(Мақолаларнинг илмий савияси учун муаллифларнинг ўзлари масъулдир)

ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:

Н. Махмудов	- ф.ф.д., профессор, ТошДЎТАУ илмий ишлар бўйича проректори (масъул мухаррир)
Б. Менглиев	- ф.ф.д., профессор
И. Азимов	- ф.ф.д.
Ш. Усмонова	- ф.ф.д.
З. Холмонова	- ф.ф.д., профессор
Б. Каримов	- ф.ф.д.
Ш. Турдимов	- ф.ф.д.
Н. Нормуродова	- ф.ф.н.
Р. Зоҳидов	- ф.ф.н.

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Д. Лутфуллаева	- ф.ф.д., профессор
М. Ҳакимова	- ф.ф.н.

Тўплам Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиши факультети Кенгашининг 2016 йил 4 ноябрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Истиқлол йилларида ўзбек тили ва адабиётининг нуфузини ошириш учун давлат миқёсида жуда кўплаб ишлар амалга оширилди. Ушбу эзгу саъй-ҳаракатлардан бири 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги президент фармони бўлди. Мазкур ислоҳот “ҳозирги тез ўзгараётган глобаллашув даврида ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос бетакрор хусусиятлари, тарихий тараққиёти, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи билан боғлиқ масалаларни чукур ўрганиш, бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари самарадорлигини кучайтириш, таълим-тарбия тизимининг барча бўғинларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишининг ҳамда ушбу соҳа бўйича малакали кадрлар тайёрлашнинг сифатини ошириш мақсадида” амалга оширилди.

Ушбу фармоннинг қабул қилиниши соҳа вакиллари олдига жиддий вазифаларни кўйди. Мазкур вазифалардан ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чишиб, илмий тадқиқот олиб бораётган ёш олимларнинг салоҳиятини юксалтириш, рағбатлантириш давр талабига айланмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “**ЁШ ТИЛШУНОС ВА АДАБИЁТШУНОСЛАРНИНГ АНЪНАВИЙ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ**”нинг ўтказилиши ҳам ушбу йўналишдаги мухим қадамлардан. Анжуманда иштирок этиш учун ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилган 140 дан зиёд мақола такдим этилди.

“Ёш тилшунос ва адабиётшуносларнинг анънавий Республика илмий-амалий анжумани” ёшлиқ ғайрати ва шиҷоатини илм йўлида сарф этаётган, янгилик яратиш ишқида куюнчаклик билан изланётган ёшларнинг ўз иқтидор ва салоҳиятларини намоён этишлари учун кенг йўл очади.

Келгусида мазкур анжуман доираси кенгайиб, ҳалқаро нуфузга эга бўлишига ишончимиз комилдир.

ф.ф.д., профессор, А. Собиров

“Aslida, bu qissa ishtirokchilarining hayoti ham bir shunday tovushsiz, shippillab yonib, chog’roq bir ro’zg’orni yoritsa, bas edi. Ularning botiniy va zohiriy quvvatlari shunga yetar, undan ortig’iga o’zlar uzoq vaqt da’vo qilmagan edilar. Albatta, umidlari, ilinjlari yo‘q emasdi – biri qishloqdagi obro’li muallim, boshqasi Hotam Sho’ronikiga o’xshamas kichikroq bir amal egasi bo’lasa ham kifoya, deb o’ylashardi” (1, 552 - bet).

Polifonik tasvirning ilk xususiyatini Asqad Muxtorning “Chinor” romanida uchratsak, XX asrning so’ngi choragiga kelib, bu tasvir xususiyatini bir qator nasriy asarlar tarkibida kuztishimiz mumkin. Adabiyotshunos olima Zulfiya Pardayeva “O’zbek romanlari poetikasi” nomli monografik tadqiqotida T. Murodning “Otamdan qolgan dalalar”, M.M.Do’string “Lolazor”, To’xtamurod Rustamning “Kapalaklar o’yini” romanlarini polifonik romanlar sifatida e’tirof etadi va shu yuqtaly nazardan tahlil qilishga harakat qiladi. “Lolazor” romanida yangicha tasvir usulining o’ziga xos qirralarini mahorat bilan roman sujetiga singdirgan. Roman syujetida o’rin olgan obrazlar tizimi o’ziga xos xarakter xususiyatlari bilan alohida, ajralib turadi. Bunday xarakterning shakllanishida o’sha ijtimoiy muhitning ta’siri sezilarli darajada bo’ladi. Ijtimoiy muhit Nazar Yaxshiboyev kabi siymolarning shakllanishiga xizmat qiladi. Nazar Yaxshiboyev, Oshno kabi shaxslarning ilk hayotidagi qadamlari ularning shunday shakllanishiga xizmat qildi. Sobiq sho’rolar davridagiadolatsizliklar, qatlamlar, yakkahokimchilik kabi xususiyatlar bilan izohlash mumkun.

Asarda qayd qilingandek, Bulduruq qishlog‘ining dohiysi Xotam Sho’ro edi, uning asosiy maqsadlaridan biri qishloqning dong’ini olamga yoyish, buning uchun esa savodli, ilmli, mehr - shavqatl, sadoqatli shaxslarni tarbiyalab voyaga yetkazishni talab etar edi. Shu maqsadda qura tashlanganda Yaxshiboy cho’ponning o’g’li va Kalonqul bo’yoqchining farzandlari o’qishga boradigan bo’ladi. Ana shunday xarakterdagi manologik xotira orqali o’z o’tmishiga nazar solar ekan, bolalikning beg’ubor onlari, ilk shaharga qadam qo’yishga sababli bo’lgan voqealar ko’z o’ngida qaytadan jonlanadi. Polifonik tasvirga asoslangan roman syujeti monologik nutqda o’z aksini namoyon qildi.

Polifonik tasvirning asosiy xarakteri xususiyatlari ham tasvir jarayonida ko’pavoslilik xususiyatining yetakchilik qilishi bilan izohlanadi. Bu tasvirni asar syujetidan o’rin olgan Nazar Yaxshiboyev obrazi misolida ko’rish mumkin. Nazar Yaxshiboyev uch kunlik kasalxonada davolalar ekan, o’z olamida hayotini, o’tgan ularni sarxisob qiladi, amalga oshirgan ishlari – yu, yaxshilik va yamonliklari, hayotning murakkab qirralarini teranroq his etishga intiladi.

Roman syujetidan o’rin olgan voqealar tizimida xotira manologasi arasiga qahramonlarining ruhiy olamini ochishga hizmat qiladi. Masalan: “Oshna sekinekin yuksalib, men ham uning ortidan imillab bo’lsada yo’lga tushganimda, goh uning iltifotiga, goh azobiga duchor bo’lib, gohida uni olqishlab, gohida lanatlab yurganimda. Sezdimki, Oshno o’sha chandiq tarixini mening ishtirokimsiz eslab qolgani tuzukroq. Unga mening voqifligimni bilgani ham og’ir botadi. Nachora, ulug’ odamlarda ham anchayin latisanoma kechmishlar bo’lmog’i mumkin, ayni kechmislarning guvohlari tiliga pishiq bo’lsa, bas, ulug’likka zarracha putur yetmaydi” (2, 235-bet). Bu manologik nutqda Nazar Yaxshiboyevning o’ziga xos xarakter qirralari emas, uning o’y – xayollari Oshnoning o’sha davrdagi o’ziga xos xislatlari haqidagi tushunchalarga ega bo’lamiz. Har qanday asarda ma’lum ma’noda monologik nutq shakllari kuzatilar, amimo roman sujetida bu tasvir usuli etakchilik qilishini alohida qayd etmoq zarur. “Lolazor” romanida polifonik tasvirni yozuvchi yuksak darajaga ko’tara olgan.

Adabiyotlar:

1. R. Qo’chqor. Iskandaru Dorolardan qolgan latifa. Qarang: Murod Muhammad Do’st. Lolazor. Roman. – Toshkent, “Sharq”, 1998 –yil. – 560 bet.
2. Murod Muhammad Do’st. Lolazor. Roman. – Toshkent, “Sharq”, 1998 –yil. – 560 bet.
3. Murod Muhammad Do’st. “Lolazor” Roman. – Toshkent, “Sharq”, 1998 –yil. – 560 bet.

А.ЮГНАКИЙНИНГ «ХИБАТ УЛ ҲАҚОЙИҚ» ДОСТОНИДА ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҒОЯЛАР БАДИЙ ТАЛҚИНИ

3. Қуданова, И босқич магистранти (НукусДПИ)

Умумтурккий мумтоз адабиёт, хусусан, ўзбек адабиёти тарихий тақомилдида А.Югнакий ижоди мустаҳкам ўрин эгаллади. Дидактик адабиётнинг юксак намунасини яратадиган олган буюк мутаффакир миллий маъnaviyatini умуминсоний қадрият даражасига кўтаради. Айнича, мўъжазгина «Хибатул ҳақоийқ» маърифий достони маданият тараққиётида ўзига хос қиймат касб этади. Асарда юксак инсонпарварлик ва шахс камолоти масаласи теран бадиий таҳлилланади. Мехр-оқибат, виждан, диённат ҳамда ҳалоллик фазилатларини улуг’лаган шоир адабий талқинida ҳадиси шариф, «Куръони Карим» маъnaviy тъсирини яққол сезиш mumkin. Унинг наздида, ислом дини – инсон руҳий маданияти гултожи. Шахс баркамоллигини шакллантиришда шариат ахкомлари устувор моҳият касб этади. Шу маънода, санъаткор инсон борлигини безайдиган

хислатлар тараннумида диний-маърифий қараашлардан унумли ҳамда ўринли фойдаланади. Асосан, ҳаётий тафсилотлардан нозик бадий умумлашмалар яратишга мойиллик шоир адабий маҳоратини кўрсатади:

Анинг бахшишиндин булат ўргантур,
Бу сўзни бутун, чин тутар тушмани¹.

Лавҳа Оллоҳ Таоло ҳамду саносига йўғрилган. Муаллиф ёрқин далиллар билан тасаввурни бўрттиради. Унинг иродасидан булатлар уялади, Буни ҳатто душманлари ҳам тан олади. Мусаввиrona тарзда жонлантирилган тафсилотда дидактика устувормоҳият касб этади. Эътиборли жиҳати шундаки, муаллиф реал чизгилар ёрдамида равон ва содда, таъсирчан ва теран адабий усулда ўгит-насиҳат салмоғини оширишга муваффақ бўлади.

Маълумки, ҳар бир шоир «тўғридан-тўғри ҳаётдан нусха кўчирмайди, балки унга ҳақиқатан ўхшаш қилиб, янги бир дунё яратади, кашф этади. Бошқача айтганда, ҳаётий ҳақиқатдан бадий ҳақиқат яратади; ҳаётий факт ва ҳодисаларни ўзининг руҳий лабараториясида «кайнатиши», ишлаши, синтезлаштириши, яъни тасаввuri, ҳаёли, орзузи, тажрибаси, қалби, табиати, дунёқараши билан бойитган ва муайян ғояга хизмат килувчи характерли ва зарурий деталларни, факт ва ҳодисаларни танлаган ҳолда тугаллик касб этган (образли) бадий ҳаётни яратиши зарур; яратганда ҳам бу ҳаёт китобхон кўз ўнгидаги жонли ва реал, ишончли ва гўзал, таъсирчан ва яхлит бўлиб гавдаланиши шарт»². Шу мъянода, адабий ғоя муайян дунёқарашиб макфурасига таянади:

Ўкуш, аз теб аймас безизлар Тенгиз,

Булат ҳадя қилса ушак қатрани.

Лавҳа билим-маърифат ўзликни англаш воситаси эканлиги, соғлом эътиқод илмдан бошланиши поэтик жиҳатдан тасдиқланган. Муаллиф маърифатпарварлик ғояси талқинини айнан ҳадислар мазмунидан ахтаради. Унда инъикос тонган диний-маърифий мухокаманинг ўзига хослиги кузатилади.

«Ҳибат ул ҳақойик»нинг кириш кисми Амир Дод сипоҳсолорбекнинг мадхига, китобнинг ёзилиши сабаби ва заруратига бағишлиланган. Асарнинг биринчи бўлими илм манфаати, жаҳолатнинг зарари ҳақида, иккинчи бўлим тилни тийиш ва адаб-ахлоқ ҳақида, учинчи бўлим дунёнинг ўзгариб туриши ҳақида, тўртинчи бўлим саховат ва баҳиллик оқибати, бешинчи бўлим тавозелилик манфаати, кибрлилик ва

ҳарисликнинг зарари ҳамда сўнгти бўлим ахлоқнинг каромати, ҳарисликни ташлаш ҳақида тўғрисидадир. Асардаги ҳар бир боб номининг ўзиёк унинг тўлиқ тарбиявий-маърифий мақсадда йўналтирилганини кўрсатади. Умуман, А.Юғнакий ижодида диний-маърифий ғоя устуворлиги кўзга ташланади. Айниқса, эътиқод ва маслак тушунчалари мазмуни очик тасвиранади.

EPIGRAFNING BADIY ASARDAGI VAZIFASI

(“Isyon va itoat” romanı misoldı)

G. Norboyeva, IV bosqich talabasi (SamDU)

Badiy asar tarkibidan o‘rin olgan epigraf, o‘ziga xos ma’lum bir badiy vazifani bajaradi. Shu jihatdan qaraydigan bo‘lsak, iste’dodli adib Abdulla Qahhorning ko‘pgina asarlarida bu holatni kuzatish mumkin. Badiy asarlar tarkibidan o‘rin olgan epigraf ma’lum bir g‘oyani ifodalashga xizmat qiladi. Shuning uchun turli mavzu va xarakterdagи epigraflar keltiriladi. Adabiyotshunos T. Boboyev qayd qilganidek: “Epigraf qisqa, sodda, ammo aforistik ruhda bo‘ladi. U asar g‘oyasini ishonarli qilib ochishda muallifga qo‘l keladi. Epigraf o‘z vazifasiga ko‘ra asar nomiga o‘xshab ketadi – ularning har ikkalasi ham asarga g‘oyaviy-emotsanal ruh baxsh etadi, asar mavzusi va g‘oyasini aniqlashga ko‘mak beradi” (1, 146-bet). Qayd qilinganidek, epigraf badiy asarining mazmuniga yoki biror qismida ifodalanayotgan voqealar bilan uzviy bog‘liq bo‘lishi, tabiiyidir.

Keyingi davr romanchiligidagi o‘z uslibi bilan janr taraqqiyotiga sezilarli hissa qo‘shayotgan iste’dodli ijodkorlardan biri Ulug‘bek Hamdamdir. Yozuvchining “Isyon va itoat” romanı turfa xil adabiy-tanqidiy mulohazalarga asos bo‘lgan asarlardan biridir. Romanda inson xarakteri, botiniy olamidagi ziddiyatlar teran talqin etilgaлиgi bilan ham badiy yuksak asarlardan biri ekanligi asoslandi. Asarda olam va odamning uzviy birligi orqali, inson ruhiyatidagi o‘zgarishlarni, xarakterida mujassamlashgan turfa xil o‘ziga xosliklarni talqin etadi.

Adabiyotshunos olim D. Quronov alohida qayd qilib o‘tganidek: “...U.Hamdam “Muvozanat”da to‘xtab qolgani yo‘q-izlanayapti va shu izlanishlari natijasi o‘laroq “Isyon va itoat”, “Sabo va Samandar” romanları yozildi. Muhimi yozuvchining izlanishlarida izchillik va dadillik kuzatiladi: u izlanish yo‘lida “ortidagi ko‘piriklarni buzib bormoqda. “Muvazanat”da realistik tasvir tamoyillari “Isyon va itoatda” ramziy-majoziy talqin, “Sabo va Samandar”da lirik-romantik yondashuv bilan ramziy-majoziylikning

Тўхлиев Б. Адабиёт. –Т.: Ўқитувчи, 2003. –Б. 155.

Умурев Х. Бадий ижод асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –Б. 13.

Ш. НАЗАРОВА.Халқ достонларида ижтимоий-маший мазмундаги шартлар.....	323
Ф. МУСАЕВА.“Урушнинг аёлдан йироқ қиёфаси”.....	328
Ш. ИМОМНАЗАРОВА, Л. ХУДОЙҚУЛОВА.Ўзбек фольклорида халқ ўланлари.....	332
М. ЖЎРАЕВА.Ўзбек халқ топишмоқлари генезисида от культига доир мулоҳазалар.....	336
Г. РАҲМАТОВА.“Девону лугатит-турк” асарида келтирилган лирик шеърлар.....	339
П. КЕНЖАЕВА.Турк ҳикояларида аёл тасвирининг инъикоси.....	341
Р. ТЎЛАБОЕВА.Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асарида бола қалби олами тасвири.....	345
Ш. МАЖИДОВА.“Авесто”да сув култи билан боғлиқ мифлар ва мифологик образлар.....	348
С. БОЗОРОВ.Ибораларда никоҳ билан боғлиқ урф-одатларнинг акс этиши.....	352
Н. ШУКУРОВА.Навоий анъаналари Увайсий мухаммасларида....	354
Д. ХУДОЯРОВА.Шукур Холмирзаев – эссенавис.....	357
А. ҲАСАНОВ.“Лолазор” романнада рамзийлик.....	359
З. ҚУДАНОВА.А. Югнакийнинг «Ҳибат ул ҳақойик» достонида диний-маърифий гоялар бадиий талқини.....	361
Г. НОРБОЕВА.Эпиграфнинг бадиий асардаги вазифаси (“Исён ва итоат” романни мисолида).....	363
М. НОРМАМАТОВ.Франс Кафка ижоди ва жаҳон романчилик тараққиёти ҳакида.....	366

Ф. НОРИМБОЕВА.Абдулла Қаххор ва Антон Чехов ҳикояларидағи шаклий-услубий ўхшашликлар.....	369
Ш. ЖАЛИЛОВ.Суюн Қораевнинг “Чингиз Айтматов – буюк ёзувчи, камтарин инсон, содик дўст” китоби хусусида.....	373
Ҳ. КУРИЁЗОВА.“Бадоेъул-бидоя” ғазалларидаталмехсанъяти.....	376
С. ЁҚУБОВА.Кўнгил лавҳига нақшланмаган кўшиклар.....	379
Г. САИДОВА.“Лисон ут-тайр” достони поэтикаси.....	383
Т. БЕКМУРОДОВ.Усмон Азим шеъриятининг бадиий жозибаси...	387
Ж. ЭРНАЗАРОВ.Ўлмас Умарбековнинг “Оқсоқол” ҳикоясида унсиз дард овози.....	391
Қ. МАМИРАЛИЕВ.Шавкат Раҳмон ижодига бир назар.....	393
К. ЭГАМҚУЛОВ.Чехов ҳикояларида инсон қадри ва инсонийлик масаласи.....	396
М. АЛИМОВА.Абдулла Орипов лирикасида куз манзаралари.....	399
Н. КАРИМОВА.Асардан асрга ташланган назар.....	402
Н. НАСРУЛЛАЕВ.Фидойи инсон ва илм-у маърифат ҳомийси.....	405
Б.КОМИЛОВ.Алишер Навоий ғазалларида таҳлилнинг аҳамияти.....	407
Б. ҲАМРАЕВ.Бобуршунослик: кеча ва бугун.....	410
О. МУҲИДДИНОВ.Яхшиларнинг ҳайратига сазовор асар.....	413
Б.БОЙЗОҚОВ.Ўрта аср ўзбек мумтоз бадиий адабиётида гуманистик гоялар тараққиёти.....	416
З. ОЛИМОВА.Ўзбек халқ маросим фольклори.....	419
М. БОЗОРОВА.“Шаҳинам, о менинг Шаҳинам”.....	424
М. ҲАЙДАРОВ. “Калила ва Димна”да мажоз.....	426

Барои маълумоти таъсисати таъсисати
Ўзбекистон маданий-маърифий таъсисати

**“Ҳар қайси ҳалқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва
ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий гоясининг асоси
ҳисобланади”**

(И. Каримов)

**“ЁШ ТИЛШУНОС ВА АДАБИЁТШУНОСЛАРНИНГ
АНЬНАВИЙ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
АНЖУМАНИ” МАТЕРИАЛЛАРИ**

Техник муҳаррир Дилшод Хўрзобоев
Дизайнер Баҳодир Тўхлиев
Саҳифаловчи Бекзод Раҳматов

Босишига ружсат этилди: 21.11.2016.
Офсет қофози. Қофоз бичими: 60x84 1/16.
Times гарнитураси. Шартли б.т: 27,5.
Адади 120 нусха. Буюртма № 29.

“BAYOZ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
100100, Тошкент. Юсуф Ҳожиб кўчаси, 103-уй.